

СУВНИ ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ИШЛАТИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИ**И.И.Толлибоев**

Жиззах политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6579472>

АННОТАЦИЯ: Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг қишлоқ жойларида ичимлик суви танқислиги сезилмоқда. Республика ҳукумати томонидан амалга оширилаётган доимий чора-тадбирлар туфайли аҳолини ичимлик сув таъминоти билан қоплаш ўртача 78,2%. Бироқ аҳоли кам ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш анча жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, уни анъанавий сув олиш, сифатини ошириш, ташиш ва тарқатиш усуллари билан ҳал қилиш анча қийин масаладир

АННОТАЦИЯ: В настоящее время в сельской местности ряда областей Республики Узбекистан и Каракалпакстана испытывается острый дефицит в питьевой воде. благодаря постоянным мероприятиям, проводимым Правительством Республики, охват населения питьевым водоснабжением составляет в среднем 78,2 %. Однако, обеспечение питьевой водой малозаселённых и труднодоступных населённых пунктов, остаётся довольно серьёзной проблемой, решение которой традиционными методами добывания, улучшения качества, транспортирования и распределения питьевой воды является довольно дорогостоящим мероприятием.

ANNOTATION: Currently, in the rural areas of a number of regions of the Republic of Uzbekistan and Karakalpakstan, there is an acute shortage of drinking water. thanks to the constant measures carried out by the Government of the Republic, the coverage of the population with drinking water supply averages 78.2%. However, the provision of drinking water to sparsely populated and hard-to-reach settlements remains a rather serious problem, the solution of which by traditional methods of obtaining, improving the quality, transporting and distributing drinking water is a rather expensive undertaking.



Кириш: Маълумотларга кўра кундалик эhtiёжни қондириш учун бир инсон кунига 50 литр сув ишлатар экан. Ривожланаётган мамлакатлардаги чучук сув захирасининг 70-90% қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш учун сарфланади. Бундан келиб чиқадики, тоза ичимлик сувига тақчиллик сезилаётган бир вақтда чучук ер ости сувларининг каттагина қисмини ишлаб чиқариш техник мақсадлар, ерларни суғоришга сарфланмоқда.

Ичимлик сувини тежаб ишлатилишини шўр ерларнинг шўрини кетгазиш учун тик тиндиргичлар горизонтал дренажларни қайта тиклаш учун улардан хосил бўлган сувни қайта ишлаб яна саноат корхоналарида ишлатиш мумкин.

Хозирги кунда жаҳон миқёсида чучук сув ишлатиш хажмининг йилдан йилга ортиб бориши ва бунинг оқибатида сув танқислиги келиб чиқаётганлиги инсониятни ташвишлантираётган энг катта муаммолардан биридир. Хатто БМТ томонидан 2003 йилнинг "Халқаро тоза сув йили" деб хам эълон қилинганлиги хам экологик вазиятнинг жиддийлашиб бораётганлигидан дарак бериб турибти. Аммо шунга қарамасдан, чучук сув маоммоси тобора илдииз отиб бомоқда.

БМТнинг "Атроф-мухит муҳофазаси" дастури малумотларига кўра, хозирда дунёдаги мавжуд дарёларнинг ярими жиддий ифлосланган. Ер шари аҳолисининг қарийб 40 фоизи эса тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Хар йили тоза ичимлик сувининг танқислиги туфайли 1,2 млн. киши турли хил хасталикларга дучор бўлади, 5 млн. киши эса ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмол килишга мажбур.

Ўзбекистан 2003 йил 6 майда МДХ, давлатлари орасида биринчилардан бўлиб "Сув ва сувдан тўғри фойдаланиш тўғрисида"ги қонунини қабул килди. Шунингдек мамлакатимиз худудидан оқиб ўтувчи 8 та дарё - Кашкадарё, Чирчик, Сурхондарё, Зарафшон, Корадарё, Норин, Амударё ва Сирдарёлар хамда давлат ахамиятига эга бўлган 11 та ер ости чучук сувлари хосил бўладиган худудларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 11 та қарори қабул қилинди.

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз худудий инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисми хисобланган,



инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни шакллантирувчи, уй-жойлар ва аҳоли пунктларининг ҳар жиҳатдан шинам ва қулай бўлишини таъминлайдиган коммунал соҳа ва унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги қарори қабул қилинган. Коммунал соҳанинг тараққиёт даражаси ва фаолият самарадорлиги аҳолининг шунга мос ҳаёт сифатини шакллантиради, турмуш даражаси ва ҳаёт тарзини акс эттиради, иқтисодий салоҳиятни янада юксалтириш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, сифатли хизмат соғлом жамият гаровидир.

Сув ресурслари юртимиз учун факатгина аҳоли, саноат ва суғорма дехқончиликни сув билан таъминлайдиган манбагина эмас, балки ижтимоий- иқтисодий ривожланиш ва экологик ҳолатнинг маълум даражада сақлаб турувчи биринчи даражали омил ҳамдир. Ўзбекистонда чучук ер ости сув ресурслари асосан Фарғона водийси (34,5 %), Тошкент вилояти (25,7%), Самарқанд вилояти (18%), Сурхондарё вилояти (9%) ва Қашқадарё вилоятлари (5,5%)да жамланган. Бошқа вилоятлар умумий чучук сув ресурсларининг 7% атрофидаги захирасига эга холос.

Техноген омиллар таъсири натижасида илгари аниқланган чучук ер ости сув захираларидан 35-38% ичиш учун яроқсиз холга келиб қолди ва бу сабабли жараён ҳамон тўхтагунча йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилояти ичимлик суви маҳаллий манбаларидан диярли маҳрум бўлдилар. Тоғларда ҳосил бўлиб оқиб келадиган дарё сувлари нисбатан соф бўлиб, деярли ифлосланмаган.

Ўзбекистонда ер усти сувларининг асосий ифлослантирувчи манбаларига тоғ кон саноати, саноат тармоқлари, автокорхоналар, коммунал маиший объектлар дам олиш масканлари ва даволаниш муассасалари киради. Сўнги 20 25 йиллар ичида биз дунёдаги энг йирик ёпиқ сув хавзаларидан бирининг йўқ бўлиб кетиши гувоҳига айланяпмиз. Охирги 40 45 йил давомида орол денгизи сатхи 22 метрга пасиб кетди, сув ҳажми 1064 км кубгача камайди, сув таркибидаги туз миқдори

72г/лгача етди. Орол денгизи деярли ўлик денгизга айланди. Қуриб қолган майдони 4,2 млн гектарни ташкил этиб, туташ худудларга қум тузли буронлар ёғдурувчи манбага айланди.

Бу ерда хар йили атмосфера хавосига 15 дан 75 млн тоннагача чанг ва туз кўтарилади. 80 йиллардан бошлаб бундай буронлар йилига 90 кунлаб кузатилган. Орол бўйидаги танг экологик вазият бутун худуд аҳолиси, айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда орол денгизи хавзасидаги ерларнинг 60% ортиғи шўрланган. Шу билан бирга, суғориладиган Қишлоқ хўжалик ер майдонларининг шўрланганлик даражаси Ўзбекистон бўйича ўртача 23,9% кўпдир.

Хулоса. Саноатда ифлосланган сувларни қайта ишлаш суғориш ишларига ишлатиш усуллари йўлга қўйилса сувни анча тежаган бўлардик. Бунинг учун тиндиргичлардан фойдаланишлар яъни сувнинг ичидан ўсадиган ўсимликларни олиб келардик. Шунинг учун оқова сувларни тозалаш сув ресурсларини муҳофаза қилиш масалалари хозирги кунда энг долзарб масалалардан бири хисобланди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2910-сонли “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида” қарори.
2. Бақиев М., Носиров Б., Хажақулов Р. Гидротехника иншоотлари, Ўқув қўлланма. Т.ЎМҚТМ, «Билим» нашриёти, 2004. – 264 б.
3. Зокиров Ў.Т. «Сув таъминоти ва канализация тизимлари» Ўқув қўлланма. ТАҚИ. 2000 й.